

№ 2885-сонли пудрат шартнома

Лот: 152885

« 29 » сентябрь 2022 йил.

Дўстлик шаҳри

Дўстлик тумани мактабгача таълим бўлими (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан бюджет асосида фаолият юритувчи раҳбари в.в.б Р.Фозилова ва "OBI SANGZOR" Х/К (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари М.Султонов мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

- Дўстлик тумани "Меъвзор" МФЙ ҳудудидаги 5-сон МТТ бипосини 3-этап жорий таъмирлаш ишларини сифатли бажариш.

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил « 29 » сентябрга қадар пудратчига зарурий лойиха-смета ҳужжатлари ва техник шартларни тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.3. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30 % аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб, 10 кун ичида амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин "бажарилган" деб ҳисобланади.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 % миқдорида бўнак тўловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуксон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2 Мазкур шартнома ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чоратадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги туғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 35 655 000 сўм (ўттиз беш миллион олти юз эллик беш минг) сўмни ташкил қилади.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисоб-варағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 20 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарар миқдорини қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 15 % миқдорида жарима ва 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, аммо ушбу пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида бўлиши шарт.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

5.5 Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахснинг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176, 177, 212 ва 214-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

6. Коррупцияга қарши келишув

6.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши қурашнинг бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

6.2 Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

6.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

6.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

7.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

8. Низоларни ҳал этиш тартиби

8.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Дўстлик туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

9. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, газначилик органларида рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар буйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сузтақшлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

9.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганида.

9.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тулайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

10. Яқуний қоидалар

10.1. Мазкур шартномага киритилмайдиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, газначилик органларида рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3 "Obi Sangzor" хусусий корхонасининг гувоҳномаси ҳамда тўпланган ҳужжатлар илова қилинади.

11. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»

OBI SANGZOR хусусий корхонаси

(Пудратчи ташкилот номи)

Манзил: Дўстлик ш. Чинобот МФЙ 16-уй

Х/Р 20208000904353235001

Банк: Ипотека банк Жиззах вил филиали

СТИР: 205172807

МФО: 00122

ОКОНХ: 61110

«Буюртмачи»

Дўстлик туман Мактабгача таълим
бўлими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Дўстлик ш. Мустақиллик кўчаси

ш/х* 100022860082157091100251020

Банк номи: Тошкент ш. Марказий банк Бош
Бошқармаси

МФО: 00014 СТИР: 305154334

ОКОНХ:

Дўстлик туман Ғазначилик бўлини маси

Ўз.Рес. Молия вазирлиги ягона Ғазна ҳисоб варағи

Ғазна х/в: 23402000300100001010

МФО: 00014

ғазначилик бўлини маси СТИРи: 201 122 919

Раҳбар _____ М. Султонов
(лавозим) _____ (ф.и.ш.)



Раҳбар _____ В. Фозилова
(лавозим) _____ (ф.и.ш.)



Изоҳ:

* - Буюртмачилар ёки капитал қўйилма буюртмачиларининг тегишли шахсий ғазна ҳисобварағи (ёки шахсий ғазна ҳисобварақлари) кўрсатилади.

Юрист хулосаси: Ушбу шартнома "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базисини таъминлаш тугрисида"ги қонунга мос равишда тузилган



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DO'STLIK TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI
130500 Do'stlik shahri, Amasoy shoh ko'chasi.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RI SIDA
HUQUQIY XULOSA**
№ 5139

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma

2. **Loyihaning nomi:** 2885-sonli pudrat shartnoma (LOT-152885)

Loyihaning mazmuni: Do'stlik tumani MTB va "Obi sangzor" X/F o'rtasidagi 2022-yil 29-sentabr kungi 35.655.000 (o'ttiz besh million olti yuz ellik besh ming) so'mlik "Mevazor" MFY da joylashgan 5-son MTT binosini 3-etap joriy ta'mirlash bo'yicha shartnoma loyihasi

Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot: Do'stlik tumani MTB tomonidan 2022-yilning 29-sentabr kuni ishlab chiqilgan.

3. **Loyiha kelib tushgan sana:** 2022-yilning 29-sentabr kuni yuridik xulosa olish maqsadida Markaziga taqdim etilgan.

4. **Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiqlashtirildi.**

Markazning xulosa bergan xodimi shartnoma loyihasining moliyaviy tomonlariga javobgar emas.

**Markaz bosh yuriskonsul'ti,
3-darajali yurist**



M.Xolmurzayev
29.09.2022-yil



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Дўстлик тумани Мактабгача
таълим бўлими
Р.Фозилова

Дўстлик туман Мактабгача таълим бўлими бюджет маблағлари ҳисобидан қурилиш моллари ҳужжатлари асосида Жиззах вилояти Дўстлик туман 5-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш танлов ўтказиш комиссиясининг

ЙИГИЛИШ БАЁННОМАСИ № 20

2022 йил "29" 09

Дўстлик тумани.

Кун тартиби:

Ахборот парталига жойлаштирилган элон тўғрисида маълумот

1. Элон берилган сана: 20.09.2022 йил

2. Берилган элон тартиб рақами: 22110012133900

3. Буюртма предмети: Жиззах вилояти Дўстлик туман 5-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш

4. Ўлчов бирлиги: объект

5. Бирлик нархи: сум

6. Берилган миқдори: 1

7. Элон берилиш нархи: 35 734 675

Жиззах вилояти Дўстлик туман 5-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш

Жиззах вилояти Дўстлик туман 5-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш, ишлари бўйича 2 кун мобайнида комиссия аъзоларига ва Дўстлик тумани Мактабгача таълим бўлимига ҳеч қандай шикоятлар ва етирозлар келиб тушмади. ОВБ SANGZOR ХФ томонидан Жиззах вилояти Дўстлик туман 5-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш, бўйича тақдим этилган таклифи энг маъқул ва мақсадга мувофиқ деб топилган ва бу талабгор танлов ғолиби деб топилган.

И.Шакаргов

Б.Исмонлов

Ф.Абдужалилова

Д.Холматов

И.Зоиров